

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 3

2022 ийл «5» «10»

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Д. Матмусаев бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган “Наманганинвестложиха институти томондан, мазкур Наманган вилояти, Наманган шаҳар, Дўстлик шох кўчаси 4-тор кўчада биноларни мукаммал қайта қуриш обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ ва бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш, ушбу бўйича муаллифлик назоратини амалга ошириш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар хисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ҚОИДАЛАРИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **КҚС билан 45 500 000 (Кирк беш миллион беш юз минг) сўмни ташкил** этади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиха ишларини бажариш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2 Мазкур шартнома Фазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳамда Буюртмачининг обьект бўйича шахсий хисоб варагига тегишли бюджетдан маблағ тушганидан сўнг 10 кун ичida шартнома суммасининг 30% миқдорда аванс тўловини амалга оширади.

2.3 Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш обьект бўйича экспертиза хulosаси олиниб ва расмийлаштириб тақдим этилгандан сўнг, Буюртмачининг обьект бўйича тегишли бюджетдан ажратилгандан маблағлар доирасида 15 кун ичida амалга оширилади. Бунда “Буюртмачи” “Бажарувчи” олдида тўлиқ ёки ўз вақтида молиялаштирилмаган маблағлар учун жавобгар эмас.

2.4 Шартномада кўрсатилган обьект бўйича олиб бориладиган муалифлик назорати ушбу шартнома қиймати доирасида хисобланади.

2.5 Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи, Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ лойиха ва қидирув ишларини бажариш учун дастлабки маълумотларнинг хаққонийлигига жавобгардир;

✓ лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиха-смета хужжатларини давлат экспертизаси ва комплекс экспертизадан ўтказишини ўз зиммасига олади;

✓ тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар (шу жумладан ободонлаштириш, сув таъминоти, электр тармоқлари, газ таъминоти ташкилотлари) билан келишиб олиши шарт;

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг 1 ва 2 иловасига мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун шартномада назарда тутилган муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- ✓ экспертизадан ўтган лойиха-смета хужжатларини 3 кун муддат ичидә 3 (уч) нусхада буюртмачига тақдим этиш;
- ✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни 3 кун муддатда тақдим этиш;
- ✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета хужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва хисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш хажмларидаги йўл кўйилган хатоликлар натижасида етказилган заарларни бажарувчи тўлиқ қоплади ҳамда буюртмачи олдида мулкий жавобгар бўлади;
- ✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;
- ✓ Буюртмачи розилигисиз лойиха-смета хужжатларини учинчи шахсга бермаслиги шарт.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

3.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон фармонига асосан объектни қуришнинг барча босқичларида муаллифлик назорати мажбурийдир ва Лойихачи шартнома қиймати доирасида муаллифлик назоратини олиб бориши шарт;

✓ Бажарувчи лойиха-смета бўйича қурилаётган объектга ҳар ойда 3 маротаба муаллифлик назорати учун бориши шарт.

3.4 Лойихачи лойиха-смета хужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатларida ёки қидирув ишларida камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ёки шартномада белгиланган бўлмаса, келтирилган заарни буюртмачига тўлаши шарт.

IV. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчи**дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини 10 (үн) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** бюджетдан ажратилган маблағлари хисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Ушбу шартнома бўйича лойиха сметалари учун бюджетдан ажратилган маблағлар етарли бўлмаса, ушбу маблағларни тўлаш бўйича буюртмачи жавобгар бўлмайди;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

4.2 Тайёрланган лойиха-смета хужжатларини ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисатан кўзғатилган даъво аризаси бўйича ишга қатнашишга Лойихачи жалб қилиниши шарт.

V. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1 Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш лойиха-смета хужжатларини бажариш лойиха олди топшириғи талабларига биноан белгиланади.

5.2 Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойихачи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан хужжатлар тўпламини топширади.

5.3 Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 5.2 бандида кўрсатилган хисобот хужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Лойихачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қиласмасликни асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

5.4 Буюртмачи ишларни қабул қиласмаслигининг асосли рад жавобини берган холда зарур бўлган кўшимица ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган холда икки томонлама далолатнома тузади.

5.5 Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсаддага мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичидә уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиши ва

15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тұғрисидаги масалани күриб чиқиши шарт.

5.6 Лозим топилған холларда томонлар холис экспертизага лойиха бүйича хулоса учун мурожаат қилиши мүмкін.

V. ТҮЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома шартларига асосан түловларни амалға оширилади.

VI. ЕНГИБ БҮЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бүйича мажбуриятлар қисман ёки түлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгип бүлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасыда келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки түлик бажармаслик учун жавобгарлықдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бүйича мажбуриятларни бажариш муддати енгип бүлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қылған, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирған вақтта мутаносиб рawiща үзайтирилади.

6.2. Агар енгип бүлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан күп вақтта чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вактинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон:

- ✓ иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;
- ✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, махаллий бюджетдан ажратилған маблағни ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланған бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилған ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бүйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилған ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилған нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилған ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилған ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилған ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилған заарларни қоплашдан озод қилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажарышда ва бекор қилишда шунингдек етказилған заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланған тартибида Намангандар туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОХИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзоланғандан кейин, шартномага тегишли бўлған томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета хужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилған ва томонлар уларни имзолаган бўлса, хақиқий хисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага

қўшимчалар ёки ўзгаришилар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатларни содир қиласликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижрои органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишида норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлади.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради.

9.10 Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:

Наманганд вилоят ҳокимлигининг Ягона
буюртмачи инжиниеринг компанияси

Манзил: Наманганд ш. Амир Темур кўчаси 105-үй
Телефон: 233-06-11

ш/х*: 100011860144017049805179001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 204 808 298

ОКЭД: _____

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в.: 2340 2000 3001 0000 1010

Тошкент шаҳри Марказий Банк ХККМ
МФО: 00014, СТИРи: 201 122 919

Директор: _____

Д. Матмусаев



БАЖАРУВЧИ:

“Наманганинвестлойиха институти
Наманганд”МЧЖ

Манзил: Наманганд шаҳар

Нодира кучаси 6 уй.

Х/р 20208000100306735001.

Банк: АТ Асака банк Наманганд ф-л

МФО: 00231

ИНН: 201593174

ОКОНХ: 66000

Директор: 1605 К. Хайдаров

Юрист: М.С. Щай А С



Хуқуқий экспертиза-хуносаси

Ушбу пурдат шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хукукий экспертиза килиб, шартнома лойихаси қонунчиллик хужжатларига мос келишилигини аниqlадим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

Компания хукукий маслахатчиси

К.Тулашев «___» 2022 йил

С М Е Т А

Объект номи: Наманган вилояти, Наманган шахар, Дўстлик шох кўчаси 4-тор кўчада жойлашган ИИБ ЖХХ ЙХХБ маҳсус эксплуатация-монтаёс бўлими учун маъмурий ва ёрдамчи биноларни мукаммал қайта қуриши объекти лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш.
Лойихачи ташкилот: “Наманганивестлойиха институти Наманган”МЧЖ
Буюртмачи ташкилот: Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжинииринг компанияси

| № т/р | Корхона, бино ёки иш тури тавсифи | Бўлим, жадвал ва параграфга асосланиш | Қийматининг хисоби (сўм) | Қиймати (сўм) |
|----------|--|---|------------------------------|------------------|
| 1. | Наманган вилояти, Наманган шахар, Дўстлик шох кўчаси 4-тор кўчада жойлашган ИИБ ЖХХ ЙХХБ маҳсус эксплуатация-монтаёс бўлими учун маъмурий ва ёрдамчи биноларни мукаммал қайта қуриши объектини лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш. Объект қиймати ҚҚС сиз 1811594185 сўм 2-мураккаблик даражаси. | Низом буйруқ №396 19.08.2019йил. 3-илова пункт 5. - 4 2-боб пункт10. - 0,6 Объем – 0.91 | 1811594185x0,0 4x0,6x0.91 | 39 565 217 |
| | Смета бўйича жами: | | | 39 565 217 |
| | ҚҚС 15% | | | 5 934 783 |
| | ЖАМИ: | | | 45 500 000 |

Жами тўлов учун: Қирк беш миллион беш юз минг сум ҚҚС билан.

Институт бош мухандиси:

Цхай А С

Лойиха бош мухандиси:

Хайдаров К

Буюртмачи:



МУХОКАМА АХБОРОТИ

«5» октябр 2022 йил

Наманган ш.

Наманган вилояти худудидаги Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи. Инжиниринг компанияси ташкилоти томонидан 2022 йил 21 сентябр № 22110012152230-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли “Давлат харидлари” тўғрисидаги қонунни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган вилоят Махсус эксплуатация-монтаж бўлимининг биносини реконструкция қилиш обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли “Давлат харидлари” тўғрисидаги қонунни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўtkazildi. Мазкур савдо якуни бўйича "NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyatni томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари” тўғрисидаги қонунни 62 моддасига асосан Давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда Давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичida танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Компания директори



Д.Матмусаев



**Наманган вилоят махаллий бюджети маблаглари хисобидан қуриладиган объектлар бүйича
МАНЗИЛИЙ РҮЙХАТИ**

| № | Объектларнинг номи ва жойлашуви | Курниш бошлигининга фойдаланишга топшарни йилги | Лойиха куввати | Объектнинг умумий киймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошка харажатлари | 01.01.22 й. холатига йилдан йилга ўтубчи объектнинг (кайта хисоблаш билага) колдик киймати жумладан, буюртмачи бошка харажатлари | 01.01.22 й., холатига йилдан йилга ўтубчи объектнинг (кайта хисоблаш билага) колдик киймати жумладан, буюртмачи бошка харажатлари | Капитал қўйилмаларни 2022 йилдаги истиқболи | | | | 2022 йилда фойдаланишга топширладиган | | | | 01.01.23 й., холатига йилдан йилга ўтубчи объектнинг (кайта хисоблаш билага) колдик киймати жумладан, буюртмачи бошка харажатлари | 01.01.23 й., холатига йилдан йилга ўтубчи объектнинг (кайта хисоблаш билага) колдик киймати жумладан, буюртмачи бошка харажатлари | Лойиха экспертиза синаси на раками | Тендер сандорлари таснисланган байоноти синаси на раками | Пурратчи курувчи ташкилот номи |
|---|--|---|----------------|--|--|---|---|-------------|-----------|---------------------|---------------------------------------|-----|-----------|-----------------------|---|---|------------------------------------|--|--------------------------------|
| | | | | | | | Шу жумладан | | | | Жами капитал қўйилмалар | КМИ | Ж.ж.нолар | Буюртмачи харажатлари | | | | | |
| | | | | | | | Жами | Шу жумладан | Жами | Асосий фонд суммаси | | | | Жами | Шу жумладан | Жами | Асосий фонд суммаси | | |
| A | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 1 | Наманган вилоят махсус-эксплуатация-монтаж бўлими биносини реконструкция килиш | 2022й | Объект | * | * | * | * | 1 500,000 | 1 448,000 | | 52,000 | | Объект | | | | | | Тендер |
| | Жами | | | | | | | 1 500,000 | 1 448,000 | | 52,000 | | | | | | | | |

Изоҳ: *) Объектнинг қўйматига лойиха смета ҳужжасатлари ишлаб чиқғандан сунг аниқлик киритилади

Вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инжениринг компанияси директори

Д.Матмусаев



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 152230 на приобретение Наманган вилоят Махсус эксплуатация-монтаж бўлимининг биносини реконструкция қилиш обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш

Способ проведения электронный

Дата 30.09.2022

Время рассмотрения 28.09.2022 11:13

Закупочная комиссия Вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|--|---|--|
| Председатель комиссии | YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH | Иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари | Наманган вилоят ЯБИК |
| Секретарь комиссии | TO'XTABAYEV AKRAMJON BOQIYEVICH | Бош мутахассис | Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инжениринг компанияси |
| Член комиссии | ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH | ўринбосар | Наманган вилоят курилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси |
| Член комиссии | DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH | Бош мутахассиси | Наманган вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси |
| Член комиссии | SAYDAXMEDOV ISLOMXON ABDUMAXMUDXON O'G'LΙ | "Лойиха ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувоғиқлаштириш бўлими" бошлиғи | Вилоят қурилиш бош бошқармаси |
| Член комиссии | JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH | Етакчи мутахассиси | "SHAHARSOZLIK HUIJATLARI EKSPERTIZASI" ДУК Наманган вилоят филиали |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.09.2022 года № лота 152230.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга по разработке проектно-сметных работ |
|---|---|
| Подробное описание | Наманган вилоят Махсус эксплуатация-монтаж бўлимининг биносини реконструкция қилиш обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш (бирламчи лойиха олди хужжатлари бирга тайёрлаш) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 46 200 000.00 |

| | |
|-----------------|---------------|
| Стартовая сумма | 46 200 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари) ва бошқалар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| "NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | мавжуд | 17 | Экспертная | | |
| KELAJAK-S XK | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| "NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | мавжуд | 18 | Экспертная | | |
| KELAJAK-S XK | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Лойихачи ташкилотнинг ташкилий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| "NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyati | 5 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |
| KELAJAK-S XK | 5 | 5 | 2 | Экспертная | | |

Критерий №4 Лойиҳалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| "NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyati | 5 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |
| KELAJAK-S XK | 5 | 5 | 2 | Экспертная | | |

Критерий №5 Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, салохияти (2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| "NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| KELAJAK-S XK | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №6 Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилда (2019-2020-2021) лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| "NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | мавжуд | 18 | Экспертная | | |
| KELAJAK-S XK | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №7 .Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| "NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyati | 5 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |
| KELAJAK-S XK | 5 | 5 | 2 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая | Предлагаемая | Сумма с | Применение | Общее | Дата | Оценка |
|------------------------|-----------|--------------|---------|------------|-------|------|--------|
|------------------------|-----------|--------------|---------|------------|-------|------|--------|

| | сумма | сумма | учетом конвертации (UZS) | преференции | значение (UZS) | предложения | стоимости (балл) |
|--|------------------|----------------------|--------------------------|-------------|------------------|------------------------|------------------|
| KELAJAK-S XK | 46 200 000.00 | 46 000 000.00 UZS | 46 000 000.00 | 00.00 | 46 000 000.00 | 26.09.2022 16:16:38 | 98.91304 |
| "NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyati | 46 200 000.00 | 45 500 000.00 UZS | 45 500 000.00 | 00.00 | 45 500 000.00 | 24.09.2022 17:31:26 | 100 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|--|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| KELAJAK-S XK | Прошел | 98.91304 | 98.91304 |
| "NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyati | Прошел | 100 | 100 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 152230 от 30.09.2022 года на приобретение Наманган вилоят Махсус эксплуатация-монтаж бўлимининг биносини реконструкция қилиш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш определила победителем:

"NAMANGANINVESTLOYIXA" instituti mas`uliyati cheklangan jamiyati
201593174

и резервный исполнитель: KELAJAK-S XK (202430660)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|------------------------------|---------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH | Согласен | |
| Член комиссии | JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП